O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 19 январ чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 13 (2310)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Комиссия йиғилиши

Республика Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда комиссия ишчи гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Зулфия номидаги мукофотга адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳалари бўйича тавсия этган номзодлар кўриб чиқилди.

**З. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## АСАКА АВТОМОБИЛИГА — ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ

Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси Ҳамдўстлик мамлакатларидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида биринчи бўлиб халқаро стандарт — ИСО-9001 сертификатига сазовор бўлди. Бу биринчи ўзбек автозаводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон андозалари асосида тайёрланаётганлигидан яна бир далолатдир. Таъкидлаш жоизки, "ЎзДЭУавто"нинг юқори сифатли "Тико", "Нексия", "Дамас" машиналарига нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам талаб тобора ортиб бормоқда.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАРАДДУД





*Айни кунларда Балиқчи туманидаги «Бўстон» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари қишки ва баҳорги ишларни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Жумладан, жорий йилда мазкур уюшмада 1000 гектар майдоннинг шўрини ювиш, 140 километр масофадаги ариқ-зовурларни тозалаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Ҳозирда бу ишларда 4 экскаватордан унумли фойдаланилмоқда.*

*Хўжаликдаги баҳорги экиш мавсумида ишлатиладиган мавжуд техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқариш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатларда бажарилмоқда. Айни чоғда бу ерда 41 та чопиқ, 12 та ҳайдов трактори, 36 та сеялка, 50 та борона ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари таъмирланяпти.*

*Уюшма раҳбарияти қишки ва баҳорги ишларда қатнашаётган ишчилар учун барча шароитларни яратган. Бунинг учун хўжалик ҳисобидан уларга кийим-кечак ҳамда икки маҳал иссиқ овқат берилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: далада шўр ювиш пайти; (чапдан) марказий устахона механиги Шарифжон Эргашев, «Бўстон» ширкатлар уюшмаси бош муҳандиси Холхўжа Қурбонов ва 5-ширкат механиги Маҳмуд Дўстматов таъмирдан чиққан қишлоқ хўжалик машиналарини кўздан кечиришмоқда.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# «СИЗ УЧУН, СИЗНИНГ ТИМСОЛИНГИЗДА КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРДИК!»

***— дейилади меҳнат жамоаларидан келаётган хатлар ва шошилинчномаларда***

***2000 йил Ватанимизга, ҳар биримизнинг ҳаётимизга қутлуғ келди. Она-заминимиз, кўнгилларимиз ҳидоят нурига йўғрилган муборак кунларда муносиб Йўлбошчимизни қайта сайладик. Халқимиз ўзининг тинч ва осойишта ҳаётини, бахтли келажагини Ислом Каримов сиймосида кўраётгани яна бир бор тасдиқланди.***

Президентимиз номига келаётган кўпдан-кўп хатлар ва шошилинчномалар мазмунида ҳам бу ўз аксини топган. **«Биз муқобиллик ва демократия асосида ўтган ушбу сайловда ўз хоҳиш-иродамиз билан Ислом Каримов учун овоз бердик,** — деб ёзади Боёвут туманидаги «Турон» пахта заводи жамоаси. — **Давлатимизнинг халқчил сиёсатини ўз меҳнатимиз, меҳр-муҳаббатимиз ва эътиқодимиз билан қўллаб-қувватлаймиз».** Бу каби самимий сўзларни «Қизилқумцемент», Ховос тумани «Агросуғурта» корхоналарининг меҳнат жамоалари, Қизилтепа, Тойлоқ, Бойсун, Каттақўрғон туманлари меҳнаткашларидан келган хатлар ва шошилинчномаларда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон истиқлол туфайли инсонларнинг эзгу орзу-ниятлари рўёбга чиқадиган юртга айланди. Дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган қудратли давлатлар қаторидан жой олди. Самолётсозлик саноати янги поғонага кўтарилди. Ғалла, нефть мустақиллигига эришилди.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш тармоғи шиддат билан ривожланмоқда. Саноат бугунги кунда энг кўп чет эл сармояси ёткизилаётган соҳадир. Замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланаётган, энг сўнгги технология асосида қурилаётган корхоналар сони тобора ортмоқда. Улар турли-туман маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини тўлдириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, ҳаётимизнинг гуллаб-яшнаши учун катта ҳисса қўшмоқда.

Шу боисдан ҳам, айниқса, корхона ва ташкилотларда, турли хил муассасаларда меҳнат қилаётган минг-минглаб ҳамюртларимиз мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувликдан кўпроқ манфаатдор. Чунки инсон тинчлик бўлсагина эрталаб ишга боради, бола-чақалари, уй-рўзғоридан кўнгли хотиржам меҳнат қилади. Юртбошимиз ўз нутқларида, мен учун энг катта бахт юртимнинг тинчлиги, халқимнинг омонлиги, деган иборани кўп ишлатиши бежиз эмас. Минглаб корхона ва ташкилотларнинг фидойи меҳнаткашлари юртимизда тинчлик ва барқарорлик кафили бўлган Ислом Каримов учун овоз берганларида, аслида ўз корхоналарининг тўхтамай ишлаши, ривожланиб бориши, бола-чақалари ва эл-юртимизнинг буюк келажаги учун овоз бердилар, дейиш мумкин.

Сайхунобод тумани Амир Темур номли ширкат хўжалиги, Балиқчи тумани «Шераличек» жамоа хўжалигидаги Дилбархон Холиқова раҳбарлик қилаётган пахтачилик бригадаси меҳнат жамоаларидан келган хатлар ва шошилинчномаларда яқин йилларда ҳаётимизда рўй берган кўпдан-кўп ўзгаришлар айнан Юртбошимизнинг номи билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Масалан, Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходимлари: **«Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиб, янги асрда халқимизни улуғ мақсадлар сари бошлаб боришига ишонамиз»,** — деб ёзишган.

**«Бу нафақат Ислом Каримовнинг, балки бутун халқимизнинг улкан ғалабаси»,** — деб ёзади «Наманган текстиль» акциядорлик жамоаси меҳнаткашлари. «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти, Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси, Фориш туманидаги 64-механизациялашган кўчма колонна меҳнат жамоалари, Қизириқ, Зомин, Қўшкўпир, Меҳнатобод туманлари меҳнаткашлари ҳам худди шу мазмунда мактублар йўллашган.

Маълумки, собиқ шўролар замонида Ўзбекистон асосан улкан империянинг хомашё базасига айланиб қолганди. Айниқса, саноат корхоналари тармоғини ривожлантиришга йўл берилмас эди. Бу эса, аслида, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга, халқимизнинг, ҳар бир инсоннинг фаровонлигини, ҳар бир оиланинг таъминотини оширишга қўйилаётган сунъий тўсиқ эди. Эртадан кечгача ишласа-да, одамларимизнинг бири икки бўлмади, косаси оқармади.

Бугун Ўзбекистонда ўз қадрини англаган инсон меҳнатдан бахт топади. Ўзининг, фарзандларининг, қолаверса, эл-юртнинг фаровон ҳаётини ҳалол меҳнат билан боғлайди.

Юртимизда меҳнат қилган одам кам бўлаётгани йўқ. Турмушини ўнглаб, рўзғорини бутлаб олмоқда. Турли даражадаги мулкдорлар йил сайин кўпаймоқда. Улар янада кўпайиши учун эса барча ҳуқуқий-маънавий асослар яратилган. Меҳнатга яраша рағбат, турмушни яхшилаш имконияти одамларимизни яна ҳам катта миқёсдаги ишларга қўл уришга ундайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, жиззахлик Ҳидир Шукуров ўз шошилинчномасида: **«Бизга ўхшаган оддий ишчи-хизматчиларнинг меҳнати қадрланиб, иззат-ҳурмати жойига қўйилгани учун Мустақиллигимизга, Президентимизга раҳматлар айтамиз»,** — деб ёзади.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар одамларимизнинг маънавиятини, онгини ўзгартирмоқда. Қадр-қиммати, иззати жойига қўйилган оддий одамлар ўз куч ва имкониятларига, келажакка ишонч билан қарашмоқда. Шу боис ҳам Боғдод, Арнасой, Хатирчи ва бошқа бир неча туманлардаги ғаллакору чорвадорлардан, пахтакору пиллакорлардан, Янгиариқ тумани машина-трактор парки, Боғот тумани марказий шифохонаси, Андижон вилоят «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси меҳнат жамоаларидан, Марғилондаги «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти пиллакаш ва тикувчиларидан келган хатлар ва шошилинчномаларда муаллифлар — оддий одамлар тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоялашга тайёр эканликларини изҳор қилишади. **«Биз Ватанимизнинг истиқболи, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги, мусаффо осмонимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишга тайёрмиз»,** — дейилади жомбойлик бир гуруҳ меҳнаткашлардан келган шошилинчномада.

Бугунги кунда корхоналарда ва ташкилотларда меҳнат қилаётган одамларимиз ўз ҳаёти, фарзандлари ва мамлакат тақдири билан боғлиқ орзу-ниятлар билан яшамоқда, шу йўлда меҳнат қилмоқда. Уларнинг улкан бунёдкорлик, яратувчилик меҳнати билан юртимиз обод бўлаётир. Ислом Каримовнинг Президент бўлиб қайта сайланиши халқимизни янада фидойилик, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга руҳлантиради. Зеро, Музработ тумани меҳнаткашлари Юртбошимиз номига йўллаган ўз хатларида ёзишганидек: **«Биз Сизга, Сизнинг ақл-заковатингизга ишонамиз. Сиз бор экансиз, бехавотир яшаймиз. Фарзандларимиз истиқлол неъматларидан сабоқ олиб, Сизга, юртимизга муносиб фарзандлар бўлишига ишонамиз. Ҳаммамизнинг умидимиз, ишончимиз, керак бўлса, қалқонимиз Сизнинг ўзингизсиз. Сиз учун, Сизнинг тимсолингизда келажагимиз учун овоз бердик!»** Бу сўзларда бутун халқимизнинг умид ва орзуси, ишончи ифодаланганига шубҳа йўқ.

**Салим АШУРОВ.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сизнинг мамлакатда юксак обрў-эътиборингизни тасдиқлаган ишончли ғалабангизни эшитиб, ғоят мамнун бўлдим

Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, барча эзгу ниятларингиз ва ташаббусларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Кўп миллионли Ўзбекистон халқи Сизга юксак ишонч билдириб, демократия, тинчлик, тотувликка, Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳамда мамлакатингизнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга бўлган содиқлигини намоён қилди.

Молдова билан Ўзбекистон ўртасида қарор топган дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида муттасил ривожланиб, чуқурлашиб бораверишига ишончим комил.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва яқин кишиларингизга тинчлик, эзгулик ҳамда омонлик тилашга ижозат бергайсиз ва Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Петр ЛУЧИНСКИЙ,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайтадан сайланганлигингиз муносабати билан Сизни чин дилдан муборакбод этаман.

Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасида давом этиб келаётган анъанавий дўстона алоқалар ва муносабатлар келажакда янада ривожланишига ишончим комилдир.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга муваффақият ва дўст ўзбек халқига равнақ ва осойишталик тилайман.

**Нацагийн БАГАБАНДИ,**
**Мўғулистон Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва шахсан ўз номимдан муборакбод этишга ва бу масъулиятли ишда кўпдан-кўп муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиши биланоқ ўзини бу ташкилотнинг ғоят фаол иштирокчиси сифатида намоён қилди. Бундай икки томонлама ҳамкорлик кейинги йилларда янада жўшқин тус олиб, янги маъно касб этишига ишончимиз комил.

Сизга бўлган ғоят самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Павел КРАЛ,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Президенти олий давлат лавозимига қайта сайланганингиз билан москваликлар ва Москва ҳукумати номидан Сизни самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон сайловчилари Сизни якдиллик билан қўллаб-қувватлаганликлари Сизга бўлган ишончдан ва фаолиятингизга юксак баҳо берилганлигидан далолатдир.

Москва билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик Сизнинг мададингизда янада ривож топишига ишонч билдираман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва кўп қиррали фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истакларимизни қабул қилгайсиз.

**Юрий ЛУЖКОВ,**
**Москва Мэри.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришганлигингиз билан Сизни сидқидилдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли халқи ғоят катта кўпчилик овоз билан Сизга яна ишонч билдирганлиги ўтган йиллар мобайнида Сиз бу халқни бирлаштириш ишига катта ҳисса қўшганлигингиздан далолат бериб турибди.

1996 йилнинг ёзида Сиз раҳбарлик қилаётган республикада бўлганим ёдимда. Сиз Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, миллий анъаналар ва маданиятларни сақлаб қолишга, бир-бирини бойитувчи ҳамкорликка катта эътибор бериб келаётганлигингиз қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси халқининг бахт-саодати йўлида бундан буёнги меҳнатларингизда сизларнинг ҳаммангизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Самимий эҳтиром ила,

**Патриарх АЛЕКСИЙ.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эришган ёрқин ғалабангиз муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сайлов якунлари Сиз Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ва ундан ташқарида юксак обрў-эътиборга эга эканлигингиздан ҳамда фаолиятингизга юқори баҳо берилганлигидан далолатдир. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига ва республиканинг гуллаб-яшнашига бўлган орзу-умидларини Сизнинг номингиз билан боғлаб тўғри йўлни танлади. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга юксак лавозимда чин қалбдан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Татаристон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ривожланишига астойдил ишонаман.

Эҳтиром ила,

**М. ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти.**

## ХОРИЖ САРМОЯЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Республика Давлат мулки қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуаларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. М. Олимжонов ва В.А. Чжен иштирок этишди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 25 ноябрда қабул қилинган «2000-2001 йилларда хорижий сармоядорларни жалб эттан ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарорида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши кўриб чиқилди. Унда хорижий шериклар ёрдамида республика корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш, янги технологияни жорий этиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш бу борада олиб борилаётган ишларда бош мақсад этиб белгиланганлиги таъкидланди.

Мажлисда 1999 йилда хориж сармояларини жалб этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ҳамда 2000 йилда мазкур йўналишдаги фаолиятни янада чуқурлаштириш масалалари юзасидан тармоқлар, корхоналар, бозор иқтисодиёти бўлинмалари ва тузилмаларининг раҳбарлари фикр алмашдилар. Таъкидланганидек, 1999 йилда 68 та корхонада жалб этилган сармояларни қўшиб ҳисоблаганда умумий миқдори 463 млн. АҚШ долларига тўғри келадиган давлат активлари хусусийлаштирилди. Айниқса, «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси олдинги йилларга нисбатан сезиларли натижаларни қўлга киритди, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, хорижий элчихоналар ҳамда ваколатхоналар ҳомийлигида йирик акциядорлик бирлашмаси вужудга келтирилди.

Мажлис иштирокчиларига хорижий ҳамкорларни жалб этиш ишини янада яхшилаш юзасидан зарур тавсиялар берилди, уларга кўрсатиладиган имтиёзлар ва преференсларнинг моҳияти тушунтирилди. Республикада, чиндан ҳам, сармоядорлар учун қулай шароит юзага келтирилган, бизда «очиқ эшиклар» сиёсати йўлга қўйилган. Давлат мулки учун инвестиция мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда, хорижий ва миллий валюта ҳисобида аралаш тўлов шакли кўзда тутилган. Узоқ муддатли шериклар учун акцияларнинг назорат қилиш ҳуқуқини берувчи йирик миқдордаги тўпламларини сотиб олиш, тўлов муддатларини узайтириш, корхонанинг қарзларини қайта кўриб чиқиш ва бошқа шу каби бир қатор ўзаро манфаатдорликка асосланган чора-тадбирлар ҳам қўлланилади.

Мажлисда корхоналар фаолиятининг самарадорлигини кескин оширишга ўз ҳиссасини қўшадиган узоқ муддатли сармоядорларга корхоналар акциялари тўпламини сотиш бўйича аниқ тадбирлар ва муддатлар ҳам белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси матбуот маркази.**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Хитой Халқ Республикасининг "HWASHEN" компанияси "Бухоро ипаги" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартномани имзолади. Унга кўра, шу йилнинг апрел ойидан бошлаб мазкур компания 100 минг кассета Хитой ипак қурти уруғини келтириб, шу ерда олий навли, жаҳон стандарти талабларига мос пилла етиштириб беради. Хитойлик ҳамкорлар ипак қурти парвариш қиладиган барча хўжаликлар аъзоларига олдиндан юз фоиз пилла пулини тўлайди. Хорижлик шериклар 2001-2003 йилларда Бухорода ипак мато, ипак газлама ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштиришяпти.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## КЕЛГУСИ ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Жиззах вилоятида 2000 йилда ғалладан мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратилмоқда. Ҳозиргача вилоят бўйича қарийб 170 минг гектардан зиёд майдонда яшил майсалар ҳосил қилинди. Шу кунларда экинни маҳаллий ва минерал ўғит билан озиқлантириш жадал олиб бориляпти. Деҳқонлар Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорига қатъий амал қилган ҳолда, ғалла парваришини кучайтириш билан бирга, унинг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини ҳам кўришмоқда.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

***Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилишида республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, комиссия томонидан вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш ва муддати ўтганини бартараф этиш борасида 1999 йилда олиб борилган ва 2000 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.***

## БЮДЖЕТ ТЎЛОВЛАРИ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мазкур кичик комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарган бу мажлисда:

вазирлик, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани;

ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарининг бу борадаги ишларига шахсан баҳо бериб борилгани;

муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган, олдиндан ҳақ олмасдан, тўловга қобилиятсиз корхоналарга маҳсулот жўнатган ва амалдаги қонунчилик талабларини бузган 300 та хўжалик субъекти бўйича ҳужжатлар прокуратура идораларига, 23 та банкротлик аломатига эга бўлган хўжалик субъектлари бўйича ҳужжатлар Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасига тақдим этилгани;

прокуратура идоралари томонидан 1999 йил давомида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 581 та ҳолат юзасидан жиноий, 5431 та ҳолат юзасидан маъмурий, 1237 та ҳолат юзасидан интизомий, 3026 та ҳолат юзасидан моддий жавобгарлик чоралари кўрилгани ва жами 15,6 миллиард сўмлик қарзларни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилгани қайд этилди.

Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида мониторинг ўрнатилган 22 та вазирлик ва идораларнинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари асосан тугатилганлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига мазкур соҳадаги ишларни сусайтирмаслик, ҳудудлардаги ҳар бир хўжалик субъектида муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик ва умумий қарздорликни кескин камайтириш, бундан ташқари, ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига Вазирлар Маҳкамасининг "Республика корхоналари ўртасида ҳисоб-китоблар механизмини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бир йил муддатга қўшимча мониторинг ўрнатилган Энергетика ва электрлаштириш, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат" уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотлар ва уларнинг контрагентлари ўртасидаги ўзаро қарзлар, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари билан биргаликда аҳолининг электр, газ, сув ва коммунал хизматлари тўловлари ўз вақтида амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатиш каби қатор вазифалар юклатилди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

